



## “ЯШИЛ МАКОН” ЛОЙИХАСИ ВА ОБОДОНЧИЛИК БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 29 март куни “Яшил макон” лойиҳаси доирасидаги ишлар ҳамда чиқиндиларни бошқаришни

такомиллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бу йил баҳорда “Яшил макон” лойиҳаси доирасида 125 миллион туп кўчат экилиши мўлжалланган. Худудларда боғлар яратиш, йўл бўйларида 10 қатордан дарактлар экиш бўйича ишлар бошланган. Бу Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида яхши йўлга қўйилган.

Лекин аксарият вилоят ва туманларда даракт экадиган жойлар ҳалигача белгиланмаган, суғориш ва кўчатга пул ажратилмаган.

Шу боис, Вазирлар Маҳкамасида бу масала танқидий кўриб чиқилиб, вилоят ҳокимларининг соҳага масъул ўринбосарлари, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, тизим ташкилотлари раҳбарларидан 28 нафарига интизомий жазо қўйилгани қайд этилди.

Бу борадаги ишлар кўлами вазирликлар кесимида ҳам турлича. Масалан, Вуфофа вазирилик 100 гектар, Рақамли технологиялар вазирилик, Тоғ-кон саноати ва геология вазирилик 65 гектардан боғ яратган. Лекин Энергетика ва Транспорт вазириликларига ажратилган ерларда кўчат тўлиқ экилмаган. Автомобиль ва темир йўл бўйлари, дарё ва канал ёқалари, саноат корхоналари ва ёқалги кўйиш шохобчалари атрофида ҳам қанча жойлар бўш ётибди.

Умуман, даракт экишни оммалаштириш бўйича ташаббус ва тарғибот етишмаётгани кўрсатиб ўтилди. Бу борада давлат ташкилотлари билан бирга маҳаллий кенгашлар, Экопартия ва бошқа уюшмалар, маҳаллалар — ҳамма бирдам бўлиб ҳаракат қилса, жуда кўп боғлар яратилиши таъкидланди.

Йиғилишда “Яшил макон” лойиҳаси доирасидаги галдаги вазифалар, янги ташаббуслар муҳокама қилинди.

Юртимизда даракт экиб, яшиллик яратишни хоҳловчилар кўп. Лекин кўп қаватли уйда яшайдиган одамларда ер йўқ. Бу борада Жанубий Корея тажрибаси асосида Тошкент вилоятида яхши ташаббус бошланган. Унга кўра, туманлар худудидан ер ажратилиб, 30 йил муддатга ободонлаштириш бошқармаларига берилди. Маҳаллий бюджет ҳисобидан томчилик суғориш тизими жорий қилиниб, ер тайёр ҳолга келтирилиб, даракт экиш истаги бор аҳолига таклиф этилади. Ҳар бир кўчат уни эккан одам номига тамғаланади. Дарактларни парваришlash учун ободонлаштириш бошқармаси ходими бириктирилади.

Давлатимиз раҳбари ва тажрибани барча вилоятларда амалга ошириш бўйича кўрсатма берди.

Мамлакатимизда 9 минг 452 та маҳалла бор. Жумладан, шаҳарларда 39 мингта кўп қаватли уй мавжуд. Маҳалла фаоллари, бошқарув сервис компаниялари ушбу худудларда кўчатлар экилишига бош-қош бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Йўллар ва каналлар бўйидаги ерларни талабгорларга тўғридан тўғри шартнома асосида 10 йилга бериб, 5 қатордан кўчат эктириш тизими жорий қилинган. Бундан фойдаланиб, ҳозирги мавсумда ҳам кўплаб дарактзорларга замин яратиш мумкин.

Яшил худудларни кўпайтириш бўйича Тошкент шаҳрида ҳам яхши тажриба қўлланмоқда. Яъни шаҳарсозлик кенгаши янги қурилушлар майдонининг камида 30 фоизга даракт экиш мажбуриятини қўйиб, кўчат нави-гача белгилаб берапти. Объект бу шарт бажарилгандан кейингина фойдаланишга қабул қилинапти.

Қурилиш вазириликка бу тартибни барча худудларда оммалаштириб, шаҳарсозлик нормалари ва лицензия талабларига даракт экиш мажбуриятини киритиш топширилди.

Хусусан, бу йил топширилган 2,5 мингта кўп қаватли уйлар худудининг 30 фоизда, 38 та “Янги Ўзбекистон” массивларининг ҳар бирида камида 1 гектардан яшил хиёбонлар ташкил қилиниши белгиланди.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазириликка жойларда 444 та яшил боғ ва 160 та жамоат паркларни ташкил қилиш, “Менинг боғим” лойиҳасини ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Мутасаддилар дала четларида, йирик корхоналар ва саноат зоналари атрофида яшил худудлар ташкил қилиш режалари бўйича ахборот берди.

Ижтимоий муассасаларга кўчатларни бепул етказиб бериш амалиёти бу йил ҳам давом этирилиб, уларга жами 4 миллиондан зиёд кўчат тарқатилиши айтилди.

Йиғилишда чиқиндилар билан ишлаш тизимини янгича ёндашувлар асосида ташкил этиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, энди худудларда ободонлаштириш, тозаланиш таъминлаш бўйича мутлақо янги тизим бўлади. Ҳар бир вилоятдаги 2 тадан туманда 1 майдан бошлаб, тажриба тарзида ободонлаштириш бошқармалари вазифалари хусусий шериклик асосида чиқинди корхоналарига ўтказилади.

ЎЗА

## ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОР ЎСТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва тармоқларнинг рақобатбардошлигини ошириш масалалари муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар, шу жумладан, йирик корхоналарни трансформация қилиш, худудларнинг “ўсиш нуқталари”ни ишга солиш, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида соҳа ва тармоқларда иқтисодий фаоллик ошиб бормоқда.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулот ҳажми 6 фоиздан зиёд ўсиши кутилмоқда. Бунда тадбиркорлик фаол қўллаб-қувватланиши ва қиш мавсумида барқарор энергия ресурслари билан таъминланиши ҳисобига саноат ўсиши қарийб 10 фоизга, экспорт ҳажми 3,5 миллиард долларга етиши муҳим омил бўлмоқда.

Ташқи бозорда рақобат кучайиб бораётган шароитни инобатга олган ҳолда, 2024 йилда бозор иқтисодиёти пойдеворини қуришнинг асосий

жараёнларини яқунлаб, иқтисодиётни сифат жиҳатидан мутлақо янги даражага олиб чиқиш, корхоналарнинг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини ошириш талаб этилмоқда.

Шу боис, йиғилишда йирик давлат корхоналарининг харажатларини мақбуллаштириш, энергия ресурсларини тежаш борасида қилинаётган ишлар натижадорлиги атрофлича кўриб чиқилди. Дунё бозоридидаги мураккаб шароитда экспорт тушумларини ошириш, корхоналарнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш, дебитор қарздорлигини қамайтириш, харажатлар асосиз ўсишининг олдини олиш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Алоҳида эътибор тармоқ ва худудларнинг экспорт имкониятларини тўла ишга солиш масалаларига қаратилди. Бунинг учун тадбиркорлар-

га ташқи бозорларга чиқишда қулай ишлаб чиқариш ва логистика занжирларини яратиб бериш, маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари ички бозорда нарх-наво барқарорлиги масаласига алоҳида тўхталиб, қундалик истеъмол товарларини маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, корхоналарнинг қувватини оширишга қўмаклашиш заруриллиги таъкидланди.

Янги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда худудлардаги саноат зоналари ҳамда кооперация имкониятларидан кенг фойдаланиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш кераклиги қайд этилди. Асосий эътиборни қўшилган қийматли маҳсулотлар тайёрлаш, иш ўринларини кўпайтиришга қаратиш шартлиги кўрсатиб ўтилди.

ЎЗА

## ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КўРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 март куни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва куч тузилмалари раҳбарлари иштирокида жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Ички ишлар вазирилик ва Миллий гвардия раҳбарлигининг савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси йирик объектларида, шу жумладан, савдо-кўнгличлар мажмуалар, боғлар, бозорлар ва бошқа фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ишларининг ташкил этилиши тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди.

Жамоат хавфсизлигига янги таҳдид ва хатарлар тобора ортиб бораётган бугунги шароитда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза

қилиш идоралари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Шу билан бирга, жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини сўзсиз таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари ва тадбиркорлик субъектларининг бу борада тўлақонли ҳамкорлик қилишларини

таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишга топшириқ берди.

Ички ишлар вазирилик ва Миллий гвардия раҳбарияти олдида жамоат тартибини сақлаш бўйича олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш, аҳоли гавжум бўладиган жойларда содир этилиши мумкин бўлган террорчилик ҳаракатлари ва бошқа фавақулдада вазиятларнинг олдини олишга қаратилган таъсирчан чораларни кўриш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

## Муносабат

## ҚУТЛУҒ ТАШРИФ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 25-26 март кунлари Наманганга навбатдаги ташрифи тарихий аҳамиятга эгаллиги билан нафақат вилоят, балки бутун водийликлар қалбида қоладиган бўлди. Негаки, ҳар ташриф чоғида катта-катта лойиҳаларга старт бериляпти, йирик лойиҳалар ишга тушяптики, бу вилоят иқтисодиётини кўтариш билан бирга, аҳолини муқим ва юқори даромадли иш билан таъминлаш, фаровонлигини оширишга қаратилган халқпарвар сиёсатнинг бир намунаси, албатта.

Юртимизда Наврўз айёми шуқуқи ке-зиб юрган шу кунларда, қолаверса, муборак Рамазон ойидаги ушбу ташрифнинг илк манзили 10 минг хилдан зиёд заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи “Гавҳар груп” корхонасидан бошланганида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор.

Маҳаллаларга саноатни олиб кириш, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва вилоят салоҳиятини юксалтириш борасида янги имкониятларни ишга солиш бўйича кўрсатмалар фақат Уйчи тумани Қумтепа маҳалласи аҳлини эмас, балки бутун наманганликларни мамнун этди.

Йиллар давомида инвестицион жонивдорлик, халқро ҳамкорликдаги келишувлар пойтахтнинг ўздагина ҳал этилар, ўша ерда шартномалар имзоланарди. Ҳозир-чи? Энди ҳар бир худудни комплекс ривожлантириш мақсадида вилоятларнинг ўзидан тўғридан тўғри хорижий инвесторлар билан шартномалар

имзоланиб, лойиҳалар амалиётга татбиқ этилаётди. Янги ишлаб чиқариш объектлари, иш ўринлари яратилаётгани мана шу инсонпарвар сиёсатнинг амалий инфодасидир.

Биргина мисол, давлатимиз раҳбарининг ташрифи давомида умумий қиймати 4 миллиард долларлик 47 лойиҳадан 2 миллиард 300 миллион долларлик 17 тасининг тақдими ўтказилди. Бу лойиҳалар Россия, Хитой, Туркия, БАА, Франция, Германия, Австрия, Италия, Нидерландия, Эрон, Покистон сингари мамлакатларнинг йирик компаниялари билан ҳамкорликда бажарилиши вилоятнинг қурилиш, ишлаб чиқариш соҳасидаги иштирокини ривожлантирибгина қолмай, унинг туризм салоҳияти, миллий аънава ва қадриятларини бутун дунёга олиб чиқишда ҳам муҳим омил бўлади.

Давоми 2-бетда

## БОЙ БЕРИЛАЁТГАН БОЙЛИК

Уни тиклаш камбағалликни қисқартиришнинг энг самарали ечимидир

### КУН МАВЗУСИ

Амирхон бобом ёши саксонга яқинлашганида ҳам томорқа ва боғ оралаб ишлаб юрарди. Ёшлигидан суяги меҳнатда қотган, кексайгач ҳам унча-мунча йигитдан кўп иш қиладиган, меҳнатсиз яшашни билмайдиган мўйсифид эди. Бир сафар оёғидан яра чиқди. Уколдори нималигини билмайдиган бобом қўлтиктаёққа суянди. Оёқ оғригидан кўра, бекорчилик кўпроқ гам бергани рост.

Ўшанда эрта баҳор маҳали, айни томорқада иш кўпаядиган пайт меҳмонга бордим. Бобомни хонасидан топаман, деб ўйлагандим, қарада, кичкина столи эгат устига қўйган, жароҳати бор оёғини узатиб ўтирганча беғона ўтларни юляпти. Салом-алиқдан сўнг суҳбатини олмоқчи

бўлдим. Гапни топиб, айтсак қулфи дили очилиб гурунғ берарди. Шунинг ўйлаб “Ерни боқсанг, ер сени боқайди”, деган нақлни эслатдим.

— Ер боқилмайди, унга меҳр бериб ишласанг бўлди! — деди бобом доим-гайдай чўрткесарлик билан. — Одам

ризиқини ердан териб олса, гўбори кетади, манманлик қилмайди. Бировнинг қўлига қараб сарғайиб ўтirmайди.

Сўнгги кунлардаги хабарларни кузатиб, бобомни, у айтган ўша гапларни эслатдим. Давлатимиз раҳбари Сайхунбодга ташрифи чоғида ҳам, Наманган вилояти фаоллари

билан мулоқотда ҳам томорқадан даромад олишга алоҳида ургу берди. Айниқса, аҳолиси зич яшайдиган водий вилоятлари учун ҳар қарич ер қадрли. Миришкорлар ердан фойдаланишнинг ҳадисини олган. Аммо Наманган вилоятида имкониятлар тўла ишга солинмаган.

Масалан, вилоятда 56 мингта томорқада маҳсулот етиштирилмапти. Айниқса, Уйчи тумани оғир худуд. Туман иқтисодиётини ўнглаш, камбағалликни қисқартириш учун, биринчи навбатда, ишсизларга томорқадан даромад топишни ўргатиш керак. Бу борада Сайхунбод тажрибаси асосида маҳаллабай ишлаш, томорқа ва хонадонлардаги имкониятлардан фойдаланиб, аҳоли даромадларини ошириш чора-тадбирлари кўрилиши айни муддао бўлди. Жумладан, маҳаллаларга ҳокимлик ва барча иқтисодий идора ходимлари бириктирилади. Улар ҳар бир хонадон имкониятларини таҳлил қилади. Томорқаси бўлса, ундан самарали фойдаланиш, даромадини 60-70 миллион сўмга олиб чиқиш бўйича намуна яратлади. Натижада томорқа ва деҳқончилик учун ажратилган ерларда сархил мева-сабзавотлар етиштирилади. Бу эса, ўз навбатида, худуднинг экспорт имкониятини кенгайтиради, чорвачилик, паррандчилик, балиқчилик, асаларчилик каби йўналишлар ривожига замин яратлади. Пиროвардидга оилаларга даромад, рўзгорларга барака қиради.

Давоми 3-бетда



## Муносабат

## ҚУТЛУҒ ТАШРИФ

Ташрифнинг энг муҳим нуқтаси Наманган шаҳрининг Тинчлик стелласи хиёбони бўлди. Хиёбонда уламолар, нурунийлар, кенг жамоатчилик вакиллари давлатимиз раҳбари бошчилигида умумхалқ ифторлиги дастурхони атрофида йиғилди. Бу меҳр-оқибат анжумани юртимизнинг барча худудларида ҳам ўтказилди.

Шу муаззам масканда 108 ёшли нуруний, пиру бадавлат Иброҳимжон ота Хўжаев юртдошларимизнинг меҳри ва эҳтироми кўзгуси, миллий удумларимиз, қадриятларимиз рамзи сифатида

давлатимиз раҳбарига тўн кийдирди. Халқимизга хос бағрикенглик, нурунийларни ҳар жиҳатдан эъозлаш аънаси ҳамда Рамазони шариф шукухи ила Иброҳимжон отага “T Traverse” автомашинаси тўхфа қилинди.

Аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилувчи катта мақсадларни ният қилиб келган Президентимиз Наманганнинг янги, “ақлли шаҳар” қисмидаги бунёдкорлик лойиҳалари билан яқиндан танишди. Олтин водийнинг гавҳари — азим Наманганни янада обод этишдек улғувор режалар виштор фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида муҳокама қилинди. Иштирокчилар йиғилиш давомида янги-янги ғоялар, истиқболли лойиҳалар ҳақида тўғридан тўғри эшитиб, шу кундан эътиборан фаолиятида янгича бурилиш яшас шижоатини ҳис этди. Қуйида юртдошларимизнинг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

## ЮРТИМИЗ ТИНЧЛИГИГА КЎЗ ТЕГМАСИН

Турсунбой ФАЙЗУЛАЕВ,  
Наманган давлат университети профессори,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси:



бош ғояни амалга оширишга қатъий бел боғлаган ва шу йўлда изчил, халқчил сиёсат олиб борапти. Бошқа вилоятларга ташрифларидан ҳам шуни билиш мумкинки, аввало, халқимиз-

нинг бундан-да яхшироқ яшashi, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун муҳим лойиҳалар билан танишиб, уларни тезроқ ҳаётга татбиқ этишни мақсад қилади.

Ҳар гал мана шу ғоя ва ўта долзарб вазифаларни бажаришда битта муҳим омил алоҳида таъкидланади: илм, илм ва илм. Шу орқалигина олдимизда турган ўта долзарб вазифаларни муваффақиятли амалга оширишимиз лозимлиги қайд қилади.

Бу Рамазон кунлари ёзиладиган аънаваний ифторлик дастурхони билан бирга, халқимиз ҳаётда қадриятга айланган муҳим бир маърифий тадбир бўлди, деб ҳисоблайман. Шунинг учун ҳам дастурхон атрофида жам бўлганларнинг қалбидаги бир туйғу — юртимиз тинчлигига кўз тегмасин, деган истак тилларга дуо бўлиб кўчди. Албатта, бундай эҳсонлар орқали халқимиз янада жипслашади ва Ўзбекистонимизнинг бундан-да жадал ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

## Бошланғичи 1-бетда

Халқимизнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш улар учун яратилаётган шароитлардан сезилади. Президентимиз айна шу масалада ҳам жонқуярлик билан нафақат аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш, электр таъминотини юқори сифат даражасига олиб чиқиш, балки худудларнинг иқтисодий жон томири бўлган саноат корхоналарининг жадал суръатларда ишлашини таъминлашга алоҳида эътибор қаратди. Эндиликда электр энергиясига талабни қондиришдаги муаммо кунлик масалалар қаторидан чиқариладиган бўлди. Боиси, ташрифнинг биринчи кунидакёқ Уйчи, Норин ва Поп туманларида учта электр станцияси қурилиши бошланди.

— Президентимиз муқаддас Рамазон ойи муносабати билан ифторлик дастурхони атрофида нафақат тақлиф этилганларни, балки бутун халқимизни муборак ой билан чин дилдан самимий муборакбод этиб, эзгу тилаклар билдирди. Бугунги кунда дунёда юз бераётган турли таҳликали воқеалар жараёнида юртимиздаги тинчлик-осойишталик катта бойлик, неъмат экани, бунинг учун шукрона айтишимиз кераклиги таъкидланди.

Дастурхон атрофида ўтирган барчанинг кўнглидан бир ҳис-туйғу ўтди: юртимиз тарихида бу каби халқчил, инсонпарварлик ришталарини боғловчи, кўнглиларга сурур бағишловчи, эзгуликка йўғрилган маърифий тадбир бўлган эмас.

Ҳақиқатан, давлатимиз раҳбари бугун хоҳ ички, хоҳ ташқи сиёсат бўлсин, фақат битта —



## МАШРАБ НАМАНГАНГА ҚАЙТМОҚДА

Дилноза АЗИЗОВА,  
“Янги Ўзбекистон — ёшлар зиё маскани”  
ахборот-кутубхонаси директори:

— Бу галги ташриф ҳар галгидан кўра, файзли ва самарали бўлди. Ташриф давомида барча соҳалардаги муаммолар аниқланиб, уларнинг ечими ўрганилди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг Ахсикенда “Шарқ тароналари” фестивали ўтказилиши ҳақидаги кўрсатмалари ҳаммамизни беҳад мамнун этган бўлса, Наманган фарзанди Бобораҳим Машрабга бўлган эътибор бутун вилоят аҳолини қувонтирди.

Ташриф давомидаги мулоқотлар чоғида маданият вазирига Машраб қўшиқларини кенг тарғиб этиш бўйича кўрсатмалар берилди. Унга кўра, давлат муассасаси бўладими ё хусусий корхона, ишчилар маданий ҳордиқ чиқариш чоғида айнан Машраб ижодига мансуб қўшиқларни кўпроқ тинглаши керак. Буни Наманган тажрибаси сифатида мамлакатимиз бўйлаб кенг татбиқ этиш вазифаси юклатилди.

Шундан ҳам билиш мумкинки, Президентимизнинг вилоятимизга бу сафарги ташрифи халқимиз маънавияти ва маърифатини белгилаб берувчи ҳамда адабиётга бўлган эътибор ва ҳурматнинг қутилмаган қисми бўлди.



## УМУМХАЛҚ ИФТОРЛИГИ — МЕҲР-ОҚИБАТ АНЖУМАНИ

Зиёвиддин МАНСУРОВ,  
Ёзувчилар уюмчаси Наманган вилояти бўлими раиси:



— Наманганга ташриф давомидаги энг асосий нуқта — аҳоли вакиллари билан барча тоифалари билан бир дастурхон атрофида ташкил этилган анжуман бўлди, десам адашмайман.

Тилимизда умумхалқ ҳашири, умумхалқ байрами, деган иборалар бор. Лекин умумхалқ ифторлиги, халқ эҳсони каби тушунча бевосита давлатимиз раҳбарининг халқни рози қилиш йўлидаги ўзига хос сазй-ҳаракати, ташаббуси, ибрати десак, асло муболага бўлмайди.

Бу анжумани фақат халқпарвар, миллатпарвар, инсонпарвар раҳбарига қилиши мумкин. Дунё турли талотўпу нотинчликлар гирдобиди, ўзаро ишонсизлик ботқоғига ботиб турган бир пайтда, юртимизда Наврўз шукуҳи кезиб юрган ажиб кунларда, Рамазон ойида Президентимиз билан дастурхон атрофида ўтириш менга ҳам насиб қилди.

Бугун одамлар иш истаб эмас, иш одамларни истаб қишлоққа бориши, саноат зоналари, деган масканлар пайдо бўлиши ислохотлар самарасидир. Мисол учун, Уйчи туманидаги Кумтепа маҳалласида дарвоза тайёрлаётган хунарамандлар билан суҳбатлашдим. Маҳалла раиси Зулфияшоннинг айтишича, ёшлар ойига 15-20 миллион сўм даромад қилапти. Менга маъқул келган жиҳати маҳалланинг бирор-бир фуқароси чет элда иш излаб юргани йўқ. Иккинчидан, ўша дарвозани ким эшигига ўрнатса, унга ҳам пул берилди. “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойилининг амалдаги самараси бу.

Мулоқотлар давомида Косонсойда стадион қуриш масаласи кўтарилган эди. “Қани ҳисоб-китоб қилинган, қанча кетади”, деди Президентимиз. Демокчи бўлганим, ҳозир муаммолар тезда ҳал этиляпти. Вилоятимизда рўй бераётган туб ўзгаришлар, барпо этилаётган гигант корхоналар, шоир Машраб тиласида мақомни кўтариш... Бунақаси аввал бўлмаган.

## АЗМУ ШИЖОАТЛИ ЁШЛАРИМИЗ

Мастураҳон НАБИХОҲОВА,  
Наманган давлат педагогика институтини талабаси, ёшлар етакчиси:



— Бошқаларни билмадим, бу галги ташриф менда жуда катта ва унутилмас таассурот қолдирди. Бунинг асосий сабаби — Президентимиз билан юзма-юз кўришиш бахтига муяссар бўлдим. Ёшлар етакчиси сифатида анжуманда иштирок этишим бир умрга хотирамга муҳланди.

Вилоятимизда 6 та давлат ва 3 та хусусий олийгоҳ бор. Улар орасида етакчи бўлган Наманган давлат университетиди ўзгариш қилиш вақти келгани алоҳида таъкидланди.

Университетда мавжуд 71 та таълим йўналиши 56 тага камайитрилиб, янги адабиётлар билан тўлиқ таъминланди. Таълим сифатини ошириш учун ўқув дастурлари янгиланиб, иқтидорли талабаларнинг салоҳиятини оширишга эътибор қаратилади.

Йиғилишда олийгоҳлардаги 65 минг талабадан 32 минг бошқа вилоятлардан келиб ўқиниш ниятида олинди, таълим даргоҳлари атрофидаги 43 та маҳаллада уй ётоқхоналарини ташкил этиш вазифаси ҳам белгиланди.

Таълим йўналишидаги ислохотлар келажак учун қўйилган энг самарали қадам бўлиб, илм олиш даражаси ва сифати ҳар қандай давлатнинг истиқболини белгилаб берадиган муҳим омил экани таъкидланди. Ҳақиқатан, ислохотларнинг тақдирини, самараси, биринчи навбатда, кадрлар савиясига, уларнинг давр ва тараққиёт талабларига нечоғлиқ жавоб бера олишига боғлиқ.

Улуғбек РЎЗИМАТОВ тайёрлади.

## СОВҒАДАН ҲАМ КЎРА, ЭЪТИБОРДАН КЎПРОҚ ҚУВОНДИМ

Президентимиз билан учрашиш бахонасида яна бир марта Наманган кўчаларида сەҳнат қилдим. Вилоятимиз жаннатмонанд ўлкага айланганини кўриб, кўзим қувнади. Шундай юрда, ҳозиргидай тинч-фаровон даврда яшаётганим учун шукрона айтдим.

Иброҳимжон ота ХЎЖАЕВ,  
меҳнат фахрийси



Маърифий тадбир чоғида давлатимиз раҳбари билан самимий суҳбат қилдик. У ерда халқимиз тақдирини учун жуда кўп яхши гаплар айтилди. Бундан барчамиз қувондик. Ифтор вақтида қилинган дуо қабул бўлади, дейишади. Биз нурунийлар халқимиз фаровонлигини, юртимиз тинчлигини сўраб дуога қўл очдик.

Узоқ йиллик тажрибамдан биламан, фақат сўраш, илтижонинг ўзи етарли эмас. Инсон ҳаракат қилиши керак. Президентимиз биз билан суҳбатда ҳам, жойлардаги ишлар билан танишганда ҳам (буни телевизорда кузатиб, набиралимдан эшитиб билдим) одамларимизни меҳнатга, ҳаракат қилишга чақиряпти. Фақат халқини ўйлайдиган, унинг бошқалардан кам бўлмай, бой-бадавлат, тинч-осуда яшашини чин дилдан истайдиган раҳбарнинг гапи бу.

Учрашувдан сўнг Президентимиз меҳнат қилинган, томорқага қаранглар, тадбиркор бўлинглар, деб тинимсиз тақоррлашнинг сабаби нимада, деб ўйладим. Жавобини топдим: мутасил меҳнатга ўрганган, шижоатли кишилар бошқаларни ҳам ўзи билан ҳамқадам бўлишини истар экан.

Мана шундай давъат, берилган имкониятлардан руҳланиб, халқимиз, айниқса, ёшларимиз фақат олдинга интилиши керак. Бугун ҳаммада ўзи, оиласи учун меҳнат қилиб, ҳаётини яхшилаш имконияти бор. Аввал бундай шароит йўқ эди. Биз қанчалик оғир кунларни бошдан ўтказмадик дейсиз. Колхозда тинимсиз меҳнат қилиб, нонга зор вақтларимиз ҳам бўлди. Бир асрдан энг умрим давомида ҳаётнинг ҳар турли синовларини кўрдим. Шукрки, ҳаммаси орда, олис тарих бўлиб қолди. Ҳозир замон, давр бошқа.

Деҳқончилик қилиб, ҳалол меҳнат билан 8 ўғил, 3 қизни камолга етказдим. Улар давлат ишларида ишлаб, элимизга озми-кўпми хизмат қилди. Бугун уларнинг аксарияти ўзим каби нуруний ёшга

етган, нафақада. Ҳозир 52 набира, 100 дан зиёд чевара ва 20 дан ортиқ эварам бор. Ўзига шукр, уларнинг камолини кўриб, халқимизнинг, оиланинг дуоғўйи бўлиб яшаш насиб этмоқда.

Аввал ёши улғулар, “энг муҳими, кексаликда бахтли бўлиш насиб қилсин”, дейишса, унча тушунмасдим. Кейин билсам, инсон ёшлигида синовларни энгиб ўтаверар экан. Кексайгач меҳрга, эътиборга доимидан ҳам кўпроқ эҳтиёж сезаркан. Давлатимиз раҳбарининг совғаси дея янги “T Traverse” машинаси олиб келишганида қувонганим боиси шунда. Мени совгадан ҳам кўра, кўпроқ инсонга эътибор, меҳр қувонтирди.

Ҳозиргидай фаровонлик, тинчлик-хотиржамлик аввал бўлган эмас. Бунга осонликча эришганимиз йўқ. Бунинг қадрига етишимиз керак. Баъзан болаларимга насиҳат маъносида “нафақадамиз деб ўтириб олманглар, мана, мен ҳозир ҳам ишляпман”, дейман. Атрофимиздаги ҳалол меҳнат билан инсон азиз бўлишини доим уқтираман. Қўлимдан келганича тўғри йўл-йўриқ кўрсатаман. Улар ҳақиқа дуода бўламан, шунинг ўзи биз нурунийлар учун энг муҳим вазифа.

## МУҲИМ ВА ТАРИХИЙ ЎЗГАРИШЛАРГА ЮЗ ТУТМОҚДАМИЗ

Ўтган қисқа давр мобайнида Наманган аҳли катта ўзгариш ва ислохотларга гувоҳ бўлди. Вилоятимизда ишлаб чиқариш, саноат, хизмат кўрсатиш, кишлоқ хўжалиги соҳалари кенг ривож топди, экспорт маҳсулотларининг тури ва ҳажми орди. Таълим ва соғлиқни сақлаш объектлари янги қиёфа касб этиб, моддий-техник базаси бойитилди, аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ошди. Аҳолининг турмуш шароити яхшиланиб, реал даромадлари барқарорлашди. Айниқса, ёшлар ва кичик саноат зоналари сони ортиши тадбиркорлик фаолияти кенгайишига, янги иш ўринлари очилишига замин яратди.

Одилжон МАМАТКАРИМОВ,  
физика-математика фанлари доктори, профессор



Кейинги етти йил ичида вилоятда 84 та кичик ва ёшлар саноат зонаси ишга туширилди. Худуд иқтисодиёти 2 баробар, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6 баробар, экспорт ҳажми 3 баробар ошди, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад 15,5 миллион сўмга етди. Кирилган 65 триллион сўмлик инвестиция ҳисобига вилоятимизда 600 мингта янги иш ўрни яратилди.

Албатта, бу ишлар янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги кенг қўламли, тўғри ёндашилган ислохотларнинг амалий кўрсаткичларидир.

Давлатимиз раҳбари ҳар гал Наманганга ташрифи давомида мавжуд муаммоларимиз ечимига қаратилган янги тақлифларни илгари суриб, вилоятимиз салоҳиятини ошириш учун имконият эшикларини очиб беради. Бу гал энг асосий масала аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш эканини таъкидлар экан, вилоятимизда танлаб олинган кам даромадли 4 минг хонадон аъзоларининг жон бошига ойлик даромадини 2 миллион сўмгача ошириш, яна 4 минг хонадонга молиявий, техник, маслаҳат ва бошқа кўринишдаги амалий ёрдам кўрсатиш, маҳалларда гулчилик, балиқчилик, асаларичилик, чорвачилик, узумчилик, қўлунай ва картошка етиштириш салмоғини ошириш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича масъулларга кўрсатмалар берди.

Бугун жаҳонда энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш, қайта тикланувчи энергия манбалари салмоғини оширишга эҳтиёж тобора кучаймоқда. Шунга монанд равишда юртимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида қуёш ва шамол электр станциялари сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг “Одамларимиз фаровон яшашига шароит яратиш янги Ўзбекистон сиёсатининг асосий пойдеворларидан

биридир. Бунинг учун катта-кичик лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш, уларнинг барқарор фаолияти учун узлуксиз энергия таъминоти ниҳоятда зарур”, дея таъкидлаши ҳам бу масаланинг нақадар долзарблигини кўрсатиб беради.

Бу ишларни давом эттириш мақсадида Президентимиз вилоятимизда 1 та гидроэлектр станциялар каскади ҳамда 2 та қуёш электр станцияси қурилишини бошлаш учун рамзий тугмани босиб берди. Бу лойиҳалар қиймати 1,1 миллиард долларни ташкил этиб, қуввати 1228 мегаваттга етади. Энг қувонарлиси, Уйчи туманидаги ГЭС тўлиқ юртимизда ишлаб чиқарилаётган ускуна ва технологиялар ҳисобига қурилади.

Қисқача айтсак, давлатимиз раҳбарининг бу галги ташрифи, илгари сурган тақлиф ва ташаббуслари аввалгилари каби вилоятимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширишга, ишлаб чиқариш ва экспорт имкониятларини кенгайтиришга, вилоятимизда энергия таъминотини барқарорлаштиришга, аҳолини доимий иш билан таъминлаш ва даромадларини ошириш орқали турмуш тарзини янада фаровонлаштиришга ҳамда вилоятимиз равақини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Кун мавзуси

БОЙ БЕРИЛАЁТГАН БОЙЛИК

Уни тиклаш камбағалликни қисқартиришнинг энг самарали ечимидир



Боборавшан ҲОЗИДДИНОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Бошланиши 1-бетда

Бобом ҳаёт бўлганида ерни ўз ҳолига ташлаб қўйишларни кўриб нима дерди?! Қанча уринмай, қаровсиз ерни обод қилиб бог яратган, деҳқончилик, чорвачилик ортиндан ўн фарзандини уйли-жойли қилган бобонинг ҳолатини тасаввур қила олмадим. Аммо айрим юртдошларимизнинг томорқага беварқ қарашни оқибатида бой берилаётган имкониятларни рақамлар орқали тасаввур қилиш мумкин.

Рақамлар эса қуйидагича: ўз томорқасига эга 5 миллион 105,5 мингдан ортиқ хонадондан қарийб 176 мингтаси ердан самарасиз фойдаланмоқда. Аввало, самарасизликка изоҳ берсак. Ўн сотих жойга тўртта дарахт экиб, ерга кетмон урмаслик ёки катта майдонга фақат жўхори ва беда экиш ҳам самарасиз фойдаланишдир. Яъни биз одамлар томорқада умуман, ишламаяпти, деган қарашдан йироқмиз. Лекин имкониятнинг катта қисмини бой бераётганимиз ҳам аниқ ҳақиқат. Ҳолат рақамларда яққол кўзга ташланади.

Агар унумдорлиги паст томорқаларнинг ҳар бирини шартли равишда ўртача 5 сотихдан деб олсак, умумий ҳисобда салкам 9 минг гектар ердан унумли фойдалана олмаётган бўламиз. Аслида, қишлоқ шароитидаги аксарият томорқалар майдони 5 сотихдан катта. Бу минимум ҳисоб-китобда ҳам жуда катта йўқотиш, дегани.

Беқарор бозор ва кутилмаган касаллик

Инсон доим фойдани кўзлаб иш тутиши табиий. Аммо ўша фойдани қаердан, қай йўсин ҳалол йўл билан ундиришни билмаслиги унинг уқувсизлигини далолат. Томорқадан фойдалана олмаётганларнинг аксарияти моддий манфаат кам эканини айтади.

Ортимиз деҳқон бозорларидаги ҳолат беқарор, десак муболага бўлмайди. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари қандай нарҳда сотилишини деҳқонлар олдиндан билмайди. Негаки, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа эгалари нима экинни ўзи мустақил ҳал қилади. Ҳосилнинг чўғига қараб бозордаги вазият ўзгариб туради.

Масалан, қайсибир йили бир кило пиёзнинг нархи растада ўн минг сўмгача кўтарилса, сабини сувтекин олиш мумкин бўлади. Талаб ва тақлиф асосида ишлайдиган бозорда бу одатий ҳол. Аммо қайсибир маҳсулот арзон бўлганида кўпчилик зарар кўради. Чунки айнан ўша йили томорқа эгалари асосан, ўша экинни эккан бўлади.

Айни сабаб туфайли кейинги йилларда кўпчилик таваккал қилишни истамай, деҳқончиликдан узоқлашди. Буни томорқага кўпинча картошка, пиёз, еренғоқ экиб кун кечирган одам сифатида яхши биламан. Бугун молга емиш бўлсин, дея томорқасида

жўхори етиштираётганларнинг катта қисми деҳқончиликда зарарга кетишдан хавотир оладиган одамлардир. Деҳқонларимизни ўсимликлардаги касалликлар ҳам бездирган. Шунинг учун ҳозир экинлар касаллигига қарши ўнлаб кимёвий дорилар сотилмоқда. Ўтган йил кузда амаким бизниқига меҳмонга келди. Уйига қайтишда бозордан қирқ килога яқин помидор сотиб олди. Ажабланилиси, Сурхондарёда яшайдиган амаким деҳқон, мўл-кўл томорқаси бор. Шунга қарамай, шунча помидорни саккиз юз чақирим олисдан улловига юк қилиб олиб кетди. Сабоби, помидорига касаллик юқиб, бир ҳафтада қовжираб қолибди. Табиийки, касаллик фақат унинг томорқаси билан чекланмаган. Кўпчилик кутаётган ҳосил нобуд бўлган, бозордаги нарх ўз-ўзидан ошиб кетган. Кутилмаган оғат ҳосилни йўққа чиқаради. Нарх кескин ўсади ва деҳқонга зарар келтиради. Томорқадан барака топишга ишонч сусаяди. Мақолани ёзишга ҳозирлик кўраётган вақтда юртдошларимиз билан суҳбатлашиб, бунга яна бир бор амин бўлдим. Уларнинг аксарияти шу ишончсизлик сабаб томорқасида жўхори етиштириб, молга беришни маъқул кўради. Бошқача айтганда, томорқадан етарлича ҳосил олмайдди. Сабобини сўрасангиз, юқорида келтирилган муаммолар деҳқончилик қилишдан бездирганини айтади.

Имкониятдан тўла фойдалана олаётганимизми?

Шу ўринда деҳқонларимизни қийнаётган мажмура масалаларга ечим борми, деб сўрашнинг мумкин. Жавобини эса соҳа мутахассисидан эшитганимиз маъқул.

— Сўнгги йилларда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишга оид жиддий ўзгаришлар бўлди. Соҳага доир қатор конун ҳужжатлари қабул қилиниб, кенг имкониятлар яратилди, — дейди Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижро этувчи директори ўринбосари Элмурод Бозоров. — Жумладан, жамғармаимиз фаолияти йўлга қўйилди. Натيجида томорқачиликни ривожлантиришга кўмаклашадиган тизим яратилди. Янги тизимда "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида ишлашга эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, жамғарма "Томорқа хизмати" МЧЖларни молиялаштиришмоқда. Ўз ўрнида улар ҳудудда қандай экин экиш фойдали экани ҳақида тавсия бериб келмоқда. Қолаверса, аҳоли томорқа ерларини шуддорлаш, зарур уруғлик ва кўчат етказиб бериш, касалликларга қарши курашишда ҳам кўмак берапти. Шунингдек, аҳоли хонадонларига ихчам иссиқхона куриб бериш, эчки, қўй, парранда, асалари уялари, қуён етказиб бериш каби хизматларни кўрсатмоқда. Томорқада етиштирилган маҳсулотни сотишда ҳам ёрдамчи.

Кўриниб турибдики, томорқада ишлаб, етарлича даромад олиш учун имконият яратилган. Масалан, "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили айнан бозор, нарх-наво масаласига ечим ҳисобланади. Афсуски, бундай қулайликдан барча бирдек фойдалана олмапти. Томорқалардан самарасиз фойдаланишга доир рақамлар фикримиз исботи. Тўғри, кимдир айрим жойларда "Томорқа хизмати" МЧЖ тизими яхши ишламаслигини шикоят қилиши мумкин. Лекин ўрни келганда томорқа эгаси манфаатдор сифатида изланиши, ўрганиши, курашиши керак. Зарурат тутилганда, қўйи бўғиндаги масъулларни ишлашга мажбур қилсин. Айтишга осон, дейишга шашманг. Бошқалардан ёрдам кутмай, ўз меҳнати эвазига яхши натижага эришаётганлар орамизда кўп.

Масалан, Сурхондарё вилояти Қумкўрган туманидаги Бўстон маҳалласида яшовчи Икром Неъматовни олайлик. Икром ака мендан беш ёш катта. Мактабда изма-из ўқиганимиз, қўшни маҳаллада бир-биримизни таниб улгайганимиз. Эндигина қирқинчи баҳоридан ошган И.Неъматов мактабни таомлағач, мол боқди, деҳқончилик қилди. Шунинг орқасидан уй-жой қилди, трактор, машина олди. Ҳозир уйининг олдида ўн сотихдан ошиқ жойга узумзор барпо қилган. Очиғи, бу маҳаллада узумчилик ривожланмаган. Кўпчилик картошка, пиёз, қовун-тарвуз ва жўхори экиш билан чекланади. Икром ака узумининг энг бозориги навларидан топиб экиб, бугун яхшигина даромад толяпти.

— Узумини саралаб, бир қисмини Термизга олиб бориб, экспортчиларга сотаман, — дейди Икром Неъматов. — Саралашдан қолгани ҳам ўзимизнинг бозордаги узумлардан қолишмайди, сифатли, мазади. Маҳалладаги тўй-манрақаларда бизнинг узумдан дастурхонга қўйилапти. Узум етиштириш ҳақида пухта билимга эга эмасдим. Аввал узумчиликни ўрганишим, боғбонларни излаб топиб, маслаҳатлашдим. Ҳозир ҳам уста боғбонлар билан маслаҳатлашиб иш тутамиз.

Икром акага ҳеч ким келиб томорқада ишласанг бой бўласан, яхши даромад толасан, демаган. Болалигимдан ерга, чорвага меҳр қўйган. Ҳозир тиним билмай ишлайди. Бобом айтганидай, ердан ризқини териб завқланади. Хирмон кўтарилганда ҳосилга қараб роҳат олади. Мухими, бировдан имдод кутмайди.

Ҳаётини мисол ва хомчўт

Шу кунларда республика ишчи гуруҳи вакиллари ва Тошкент вилояти ҳокимлиги маъсулларидан иборат гуруҳ Писхент туманидаги "Истиқлол" МФИда аҳолининг томорқадан фойдаланиш ҳолатини ўрганди. Маҳаллада 518 та хонадонда жами 77 гектар томорқа мавжуд. Худуд сервис, унумдор ерда жойлашган. Бу маҳаллада томорқадан яхши ҳосил олаётган хонадонлар йўқ эмас. Аммо тўрт мучаси соғлом бўла туриб ҳайҳотдек майдонни бўш қўйганлар ҳам бор. Умуман олганда, ҳолат қониқарли эмас!

Шу ўринда Тошкент вилоятида яшаб, томорқасидан яхши даромад топаётган юртдошларимиз ҳақида тўхталиб ўтсак. Бекобод туманидаги Маллабой маҳалласида яшовчи Майрамой Алмедова 5 сотих томорқасидан 100 миллион сўмдан зиёд даромад оляпти. Шу кунларда иссиқхонада бақлажон етилмоқда. Ҳосил бозорга чиққач, иккинчи, сўнг учинчи экин экилади. Шу тариха қўзланган даромад эга бўлади.



Бўқалик Чарос Раимованинг 1 сотих ери бор. Шу каталакдек жойга иссиқхона қурган. У ерда 50 турдаги гул кўчатларини етиштириб сотади. Айни пайтда 10 минг туپ кўчатнинг ҳар бирини 10 минг сўмдан сотишни бошлаган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, қаҳрамонимиз 100 миллион сўм даромадни мўлжал қилган.

Энди юқорида келтирилган рақамларга қайтамиз. Тахминий ҳисобимизга кўра, қарийб 9 минг гектар томорқа самарасиз турибди. Шу рақамни ишбилармон, уста деҳқонлар олаётган даромад билан қиёласак. Ҳамма ҳам гул экиб сотмайди. Шунинг ҳисобга олиб, бир сотих томорқадан ўртача 5 миллион даромад олиш мумкин, дейлик. Демак, салкам 9 минг гектарни 5 миллион сўмга кўпайтирсак, 4,4 триллион рақами ҳосил бўлади. Бошқача айтганда, арзимасдай кўринган эришчиликимиз, дангасалигимиз ҳисобига йилга ўртача ҳисобда шунча пул йўқотиляпти, бой бериляпти.

Агар томорқаларнинг ўртача ҳисоби 5 сотихдан кўп бўлиши мумкин экани, қолаверса, ер эгалари яхшироқ даромад кўриш имконига эгаллигини ҳисобга олсак, бу кўрсаткич анча ошади. Кўрпизимиз, ўтган йил охиридаги ўрганишлар сабаб самарасиз, дея топилган томорқа эгалари қанча даромадни бой берган!

Агар томорқаларнинг ўртача ҳисоби 5 сотихдан кўп бўлиши мумкин экани, қолаверса, ер эгалари яхшироқ даромад кўриш имконига эгаллигини ҳисобга олсак, бу кўрсаткич анча ошади. Кўрпизимиз, ўтган йил охиридаги ўрганишлар сабаб самарасиз, дея топилган томорқа эгалари қанча даромадни бой берган!

Кимдир айрим жойларда "Томорқа хизмати" МЧЖ тизими яхши ишламаслигидан шикоят қилиши мумкин. Лекин ўрни келганда томорқа эгаси манфаатдор сифатида изланиши, ўрганиши, курашиши керак. Зарурат тутилганда, қўйи бўғиндаги масъулларни ишлашга мажбур қилсин. Айтишга осон, дейишга шашманг. Бошқалардан ёрдам кутмай, ўз меҳнати эвазига яхши натижага эришаётганлар орамизда кўп.

Унга эга бўлиш учун жуда кўп меҳнат талаб этилмайди, аслида. Агар кўпроқ меҳнат қилинса, мақолаимиз қаҳрамонлари каби бир кўннинг керак. Биз гоҳида бу сўзни жуда Ҳуқумат томонидан имконият яратилган, яхши даромад топиш мумкин экан, нима учун илгорлаб кета олмаётимиз?

Унга эга бўлиш учун жуда кўп меҳнат талаб этилмайди, аслида. Агар кўпроқ меҳнат қилинса, мақолаимиз қаҳрамонлари каби бир кўннинг керак. Биз гоҳида бу сўзни жуда Ҳуқумат томонидан имконият яратилган, яхши даромад топиш мумкин экан, нима учун илгорлаб кета олмаётимиз?

Муаммонинг асл илдизи қаерда?

Юқорида бозорда нархнинг кутилмаганда туриб кетиши ва касалликлар ҳақида фикр юритган эдик. Тўғри, бугун деҳқонларни шу муаммолар қийнапти. Аммо ҳар бир масаланинг ечимини бора. Фақат уни излаб топиш, натижага ишончи, курашиш зарур.

Авалло, замонавий деҳқон ишбилармон бўлиши керак. Биз гоҳида бу сўзни жуда жўн тушуниб, уни олиб-сотар, деган маънода қабул қиламиз. Аслида, ишбилармон ҳамма ишни ақл билан бажаради. Бунинг учун, албатта, соҳага оид билимларни ўзлаштириш, китоб ўқиш керак. Негаки, замонавий деҳқон фақат кетмонга суняниб натижага эриша олмайдди. Афсуски, бугун айрим деҳқонлар фақат кетмондан бошқа нарсани танимайди. Ваҳоланки, XXI аср деҳқони китоб ўқиган, соҳага оид билимларни

эгаллаган бўлиши керак. Ҳеч бўлмаса, қайси навадан экяпти, у сувни, ердаги намликни қандай қабул қилади, қай ҳолатларда касалликка чалиниши мумкин, деган бирламчи тушунчаларга эга бўлиши шарт. Йўқса, ҳосилни "кутилмаган"да бой бераверади.

Аждодларимиз ҳар бир ишни фундамента билимларга таяниб бажарган. Масалан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарига бунга оид маълумотларни кўриш мумкин. Унда ёзилишича, Бобур 1514 йили ҳозирги Қобул вилоятида "Боги вафо" деган катта бог яратди. Ўша йили Паҳор Хонни енгиб, Лаҳор ва Диболпур шаҳарларини эгаллайди. "Боги вафо"га ўша ердан келтирилган банан эктиради. Уларнинг ҳосили яхши бўлади. Шунингдек, боққа шакарқамиш ҳам эктиради. Шу тариха шакарқамишни Бухородан Бадахшонгача тарқатади.

Маълумотларга кўра, Бобур Панипат шаҳридаги "Кобул-Бахт" боғида Ўрта Осиё қовуни ва узумининг ўстириш бўйича тажриба ўтказди. Бунинг учун балхлик деҳқон тақлиф қилинади. "Бобурнома"да ёзилишича, қовун ҳосили яхши бўлади. Умуман, Бобур Ҳиндистон ва Марказий Осиё худудларида кўплаб мева ва полиз экинларини алмаштириб экиш бўйича тажриба қилади.

Бобур шох эди. У бог оралаб ишлаб юрмаган. Лекин ўз ишининг усталари бўлган деҳқон ва боғбонларни топиб, тажрибасидан фойдаланган. Бу ўша замонларда деҳқон ва боғбонлар ўз ишининг устаси бўлгани далилдир. Эҳтимол, қадимда соҳага оид илмий адабиётлар кам бўлгандир. Лекин устоз билиминини шогирдларига ўргатган. Деҳқончилик орқали рўзгор

биз сугоришнинг замонавий йўлларини ўзлаштирсак, сувсизлик муаммоси тўсиқ бўла олмайдди.

Ҳаётини мисол. Болалигим Қумкўрган туманида ўтган. Уйимиз атрофи баланд-паст тепаликлар. Баҳорда ёмғир суви сойларда, сел йўлларидан тўпланиб оқади. Одамлар сел йўлига тўғон қурган. Сув тўпланадиган жой обдон юмшатишган. Чунки ер қанча юмшаса, сув шунча чуқур кетишини, намлик кўпроқ сақланишини аждодлар яхши билган. Ёмғир суви келиб тўпланган, муайян вақт бўлиб турган. Баҳор адоқлағач, ёмғир тиниб, қўл суви тортилган. Ернинг намлиги йўқолмасдан ерга уруғ ташланган. Бундай жойга экилган экин сугорилмаган, ернинг намлиги хирмон кўтаришга етарли бўлган.

Бугун ҳам айрим жойларда шу усулдан фойдаланиш мумкин. Қолаверса, томчилик, ёмғирлатиб сугориш технологиялари хорижда аллақачон оммалашди. Мамлакатимизда шу тизимда сугоришни йўлга қўйиш учун қатор имтиёзлар берилди. Негадир биз бунга етарлича рағбат билдирмаётимиз. Ахир қўл, сув кам худудларда бундан унумли фойдаланиш мумкин. Боз устига, айрим деҳқонлар ўз ризқи учун керак бўлган аънавий билымларни эсдан чиқаряпти. Китобхонликни кенг тарғиб этишдан қўзланган мақсад ҳам шу эди. Биз эса бундан жўн доридора тушунамиз, китоб деса фақат бадий адабиётни кўз олдимизга келтирамиз.

Тажрибасиз деҳқонлар қандай пайдо бўлди?

Назаримда, собиқ тузумнинг қаттол сиёсати қишлоқ ҳўжалигида ҳам йўқотишларга сабаб бўлди. Айнан шу даврга келиб, биз қадим аънавалардан узилдик. Республика ёппасига пахтага ихтисослашди. Айрим жойларда оз миқдорда полиз, галла, чорва учун жўхори ва беда экиларди, холос.

